O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 23 сентябрь ШАНБА

№ 77 (11.880)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон — Корея:

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Корея Республикаси мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келмоқда. Юртимиздаги ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта ҳажмда сармоя киритиш орқали ҳам мамлакатимизнинг шу минтақада ва халқаро майдонда нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.



Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган ва у тобора ривожланиб бормоқда. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга ошиб, 520 миллион АҚШ долларига етди. Жанубий Корея тадбиркорлари сармояси иштирокида барпо этилган қўшма корхоналар сони 150 га яқинлашиб қолди. Фақатгина вилоятимизнинг ўзида 14 таси ишлаб турибди.

Иқтисодий алоқалар муттасил кенгаяётганлиги ва самараси ортиб бораётганлиги пойтахт вилояти мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Вилоятимизда кореялик ҳамкорлар билан савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларнинг бошланиши мустақиллигимизнинг дастлабки йилларига тўғри келади. Улар киритган инвестициялар ёрдамида ташкил этилган ўнлаб катта-кичик қўшма корхоналар пахта хом ашёсини қайта ишлаш, қимё, савдо, озиқ-овқат ва енгил саноат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда ишлаб турипти.

Ҳозирги вақтда Жанубий кореялик инвесторлар сармояси киритилган қатор бошқа қўшма корхоналарда ҳам замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар жорий қилинган. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва харидоргирлиги билан ажралиб туради. Чунончи, Юқоричирчиқ туманидаги «Теум СУМТ Интернешнл» ўзбек-корейс қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг бозори чаққон. Кореялик инвесторлар сармояси ёрдамида тузилган қўшма корхоналар вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида ишлаб, асосан кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга ихтисослашган ва истеъмол бозорини тўлдиришга хизмат қилмоқда. Шу туфайли айрим маҳсулотларни чет эллардан келтиришга эҳтиёж қолмаяпти. Асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланган бу маҳсулотлар сифати, дизайни жиҳатидан хорижникидан қолишмаётгани сабабли рақобатбардош бўлмоқда.

Вилоятимиз ва Корея Республикаси ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари ҳам мустаҳкам йўлга қўйилган бўлиб, товар айланмаси ҳам кенгаймоқда. Корея бу соҳада вилоятимизнинг ишончли шерикларидан биридир. Айниқса, пахта толасини катта ҳажмда харид қилмоқда. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида Кореяга етказиб берилган маҳсулот ҳажми 202,5 минг доллардан кўпроқни ташкил этди. Кореядан эса, асосан замонавий машинасозлик саноати асбоб-ускуналари келтирилмоқда. Бундай ҳамкорлик халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ижобий натижалар бермоқда. Ижтимоий-сиёсий, маданий, айниқса, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳаларида самараси яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси давлат раҳбарларининг анъанага айланаётган ташрифлари ҳам икки ўртадаги кўп тармоқли алоқаларнинг яхшиланиши ва кенгайишига олиб келмоқда. Корея Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга эртага бошланадиган ташрифи ҳам икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«БИЗНИНГ МИС — ЭНГ ТОЗАСИ»

Вилоят саноатчиларининг қўлидан чиқаётган ўнлаб турдаги маҳсулотлар жаҳон бозорларидаги кучли рақобатларга бардош бериб, ўз харидорларини топмоқда. Аммо бунга эришиш осон кечмаяпти. «Олмалиқ конметаллургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводи директори Кўчқор Шеров билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Комбинатнинг мис ишлаб чиқариш тизими Швейцариянинг Женева шаҳридаги халқаро стандартлаштириш ташкилотининг ISO 9001 халқаро стандартига эга бўлди. Бу муваффақият ортида нималар ва кимлар бор?

— Бизнинг заминимиз шу қадар бой ва хосиятлики, мисимизнинг ўзи дунёдаги энг тоза мислар қаторига киради. Шу вақтгача уни ҳужжатлаштириш ишлари бир оз меъёрида эмас эди. Сертификатни олиш учун ана шу маҳсулотнинг захираси, қандай усуллар билан ва қай даражада олиниши, мутахассисларнинг лаёқати, яъни оддий ишчилардан тортиб то директоргача ўрганилади. Уни қўлга киритиш учун иш жойининг тозалиги, ҳудуд ва йўлакларнинг ободлиги, кўкаламзорлаштириш ишлари — буларнинг барчаси инобатга олинади. Аввало сифатга алоҳида эътибор берилади. Мис ишлаб чиқариш тизимимиз халқаро стандартлаштириш талабларига тўла жавоб бергани учун халқаро ташкилотнинг ISO 9001 стандартига эга бўлди. Бу муваффақиятнинг орқасида оддий инсонлар, ишчи-хизматчиларимиз турибди.

— Албатта, муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Сизнингча, бу ютуқда замонавий технологиянинг аҳамияти устун бўлдими?

— Йўқ. Ҳар бир ютуқнинг ортида инсон бор. Ҳар қандай замонавий, юксак тараққий этган техник жиҳоз билан ҳам агар инсон лаёқати, мутахассис билими панд берса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бундан 12-13 йиллар илгари энг яхши мутахассисларимиз Россияга кўчиб кета бошлаганларида бироз қийинчиликлар домига тушиб қолган эдик. Шунда, ўзимизнинг миллий кадрларга ишнинг сир-синоатини ўргатиш вақти келганини англадик. Бугун муваффақиятларга эришиб ишлаётган ёш, талабчан, интилувчан миллий кадрлар — металлурглар, эритувчилар, сараловчиларни истаганча топиш мумкин. Шу ходимларимиз, яъни яхши мутахассисларимизнинг бетиним меҳнати, уйқусиз тунлари эвазига мис ишлаб чиқариш тизими муваффақиятга эришди, десам хато бўлмайди.

— Тизимда заводнинг фаоллиги қай даражада?

— Мис ишлаб чиқариш тизимининг мукаммал бўлишида мис эритувчиларнинг ўзига хос мавқеи бор. Ҳамма технологик жараён ўта нозик. Агар озгина хатолик ўтадиган бўлса, кончилардан тортиб ҳайдовчиларгача, сараловчилару бошқа ишчиларнинг меҳнати самарасиз кетади. Бизда мис саралаш фабрикасидан келадиган, таркибида 17 фоиз миси бўлган маъдан қайта ишланади. Мис олиш жараёни узоқ ва машаққатли давом этади ва 99,99 фоиз мис катоди олинади.

— Заводдаги сўнгги янгиликлар...

— Бу йил тайёр маҳсулот цехига Финландиянинг «Атакумба» машиналари келтирилди. Цехда ишчилар оғир катод мисини қўлда кўтариб, боғлаб жамларди. Мана сўнгги уч ой ичида ана шу замонавий техника 100 фоиз ишга тушиб, тайёр маҳсулотларимизни бежирим жамлаб бераяпти. Бу билан биз ишчилар меҳнатини енгиллаштириб, ушбу жараён ҳаражатларини камайтиришга эришдик.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.

— Келгусида катод мисидан саноат ва халқ хўжалиги учун ўта зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида изланяпмиз. Бу билан яна иш ўринлари кенгаяди.

Ойсара ДАДАЕВА суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА НАЗОРАТИ

Тошкент давлат аграр университетида қишлоқ хўжалиги йўналишида таълим сифатини таъминлаш ва назорат қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари сингари аграр секторни ҳам тубдан ривожлантириш, тармоқда иш юритишнинг замонавий услубларини кенг қўллаш ва қишлоқ хўжалиги бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бундай вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимиздаги тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан бирга хорижда ги нуфузли илм-фан марказлари ва халқаро ташкилотлар билан йўлга қўйилган яқиндан ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Европа иттифоқининг гранти асосида иш юритувчи Темпус дастурининг Ўзбекистонда аграр таълимни янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳаси бунга мисол бўла олади. Мазкур лойиҳа доирасида Тошкент давлат аграр университети, Вагенинген университети (Голландия), Вена табиий ресурслар ва амалий фанлар университети (Австрия), Варшава қишлоқ хўжалик университети (Польша) мутахассислари бир йил мобайнида ҳамкорликда иш олиб борди.

Лойиҳа ниҳоясида олий аграр таълим сифатини таъминлаш ва уни назорат қилишга оид концепция ишлаб чиқилди. Тошкент давлат аграр университетида таълим сифатини таъминлаш бўйича марказ ташкил этилди. Халқаро анжуманда мазкур концепция ва марказнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

ЎзА.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик — Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларининг муҳим йўналишларидан биридир. Икки мамлакатнинг бу борадаги тегишли вазирлик ва идоралари самарали ҳамкорлик қилиб келаётганига 10 йилдан ошди.

Хусусан, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия институти билан Жанубий Кореянинг ушбу йўналишдаги олий ўқув юртлари ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган. Ҳар йили Тошкент педиатрия институтининг 40 нафарга яқин мутахассиси Жанубий Кореяда пластик жарроҳлик, неонтологияда реанимация, юрак жарроҳлиги ва ҳамшираларни тайёрлаш йўналишлари бўйича малака ошириб қайтишмоқда.

Шу кунга қадар Жанубий Кореядан келган малакали шифокорлар юртимизда туғма юрак хасталиги ва ривожланиш аномалиясига чалинган 199 нафар болани операция қилгани ҳам икки давлат ўртасида мазкур соҳада изчил ҳамкорликнинг яна бир тасдиғидир. Сеул миллий университети билан имзоланган шартномага кўра, яқин вақт ичида яна эллликта ана шундай операцияни амалга ошириш режалаштирилган.

Икки мамлакат тиббий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари делегацияларининг ўзаро ташрифи йўлга қўйилган. Яқинда Корея Республикаси томонидан Тошкент педиатрия институтига умумий қиймати 38 минг АҚШ долларига тенг бўлган тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар, тиббиёт соҳасидаги адабиётлар ҳамда компьютерлардан иборат инсонпарварлик ёрдами топширилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
«Жаҳон» АА.

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИ

Пойтахтимизда ядро физикасининг замонавий муаммоларига бағишланган олтинчи халқаро конференция якунланди.

Анжуманда мамлакатимиз олимлари ва ёш тадқиқотчилари, ишлаб чиқариш жабҳаси ходимлари билан бир қаторда Франция, Туркия, Германия, Россия, АҚШ, Австрия, Миср, Покистон, Украина, Озарбойжон, Қозоғистон, Белоруссия сингари давлатлар мутахассислари, халқаро ташкилотлар ва фирмалар вакиллари иштирок этди.

Тўрт кун давом этган анжуманда фаннинг турли йўналишлари, жумладан, ядро физикаси ва элементар зарралар физикаси, активацион таҳлил, қаттиқ жисмлар радиациявий физикаси сингари йўналишлар бўйича икки юздан кўпроқ маъруза тингланди. Бу борада мамлакатимиз илм-фани эришаётган ютуқлар, халқ хўжалигига жорий этилаётган янги технологиялар самараси, жаҳон ядро физикаси фани ютуқлари ва тажрибаларининг жамият тараққиётидаги ўрни, фан борасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш хусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Тадбир

ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Орол ва Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-экологик аҳвол ҳамиша жамоатчилигимиз диққат марказида.

Шу йилнинг 1 сентябрида Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг норасмий саммитида бу масалага яна бир бор жиддий эътибор берилди ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятини янада кучайтириш ҳамда жамғарма доирасида ахборот маркази ташкил этиш лозим деб топилди.

Маълумки, Оролбўйи минтақасидаги мураккаб ижтимоий экологик аҳволни енгиллаштиришга «Экосан» халқаро ташкилоти ҳам ўз улушини қўшмоқда. Бу ташкилотнинг ташаббуси билан куни кеча шу мақсадда яна бир тадбир ўтказилди. У «Орол ва Оролбўйи минтақасининг муаммолари — халқаро ҳамкорликка даъват» мавзусига бағишланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирликлар ва идоралар, хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқалар қатнашдилар.

Ўз мухбиримиз.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда Интернет технологияларида симсиз ва оптик толали тармоқларнинг янги авлодига бағишланган иккинчи халқаро конференция (IGI-2006) якунланди.

Унда мамлакатимиздан ташқари Россия, Франция, Германия, АҚШ, Корея, Хитой, Сингапур, Малайзия каби давлатлардан етакчи илмий тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Электроника ва радиоэлектроника мухандислари халқаро институти (IEEE) ва Ахборотларни қайта ишлаш федерацияси (IFIP) ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мазкур соҳадаги амалий тажриба ва янги тадқиқотлар натижалари ҳақида фикр алмашилди. Юртимизда ахборот коммуникация технологияларини жаҳон андозалари талаблари даражасида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ана шундай йирик ва истиқболли лойиҳалардан бири сифатида Японияниг хорижий ҳамкорлик банки (JBIC) томонидан ажратилган кредит ҳисобига амалга оширилган лойиҳани келтириш мумкин. Тошкентда уч кун давом этган халқаро конференцияда Интернет технологияларида симсиз ва оптик толали тармоқларнинг янги авлодига бағишланган элликдан ортиқ маъруза тингланди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Пахта — 2006

ЭЛ-ЮРТ ИШОНЧИ ОҚЛАНАЁТИР

Оққўрғон туманидаги «Илҳом» фермер хўжалиги аъзолари шу кунгача қабул пунктларига 50 тоннага яқин хом ашё топшириб, шартнома режасини бажардилар. Ҳосилдорлик 30 центнерга етди. Қолган ҳосилни ҳам тезроқ саранжомлаб олиш чоралари кўрилмоқда.

Бўка туманидаги «Камолот» фермер хўжалиги аъзолари ҳам 31,5 гектар майдонда пахта етиштириб, биринчи теримдаёқ 28 центнердан ҳосил олдилар. Уруғлик етиштиришга ихтисослашган хўжалик пахтадан 35 миллион сўмдан зиёд даромад кўриши кутиляпти.

Шунингдек, Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли фермерлар уюшмасига қарашли Пардабой Жўлдошев, «Бирлик» фермерлар уюшмаси заминидаги Ислом Мирзаев, Янгийўл туманидаги «Қувват-Нуркен», «Фотима-Бовуржон файзли боғ», Пскент туманидаги «Азиз», Султонмурод Қодиров, Иброҳим Қораев, Рихсинисо Тўраева, Холбой Турдибоев, Тожинисо Эгамқулова, Облаёр Хотамов, Фахриддин Фозилматов бошлиқ фермер хўжаликларида ҳам давлат эҳтиёжлари учун хом ашё етказиш шартнома мажбуриятлари қисқа фурсатда, биринчи теримнинг ўзидаёқ уддаланди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КОМПАНИЯГА — ДАРОМАД, ФЕРМЕРГА — ИМКОНИЯТ

Пойтахтимиздаги "Ўзқўргазмасавдо" мажмуасида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари бешинчи халқаро кўргазмаси якунига етди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси, Фермерлар уюшмаси ҳамда Савдосаноат палатаси томонидан уюштирилган ушбу тадбирда Россия, АҚШ, Германия, Польша сингари жаҳоннинг ўн уч мамлакатидан 45 қўшма корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Унда озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ускуналари, турли русумдаги совутгичлар, кафе ва ресторанлар учун жиҳозлар, сут маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси намойиш этилди.

Бектош ИСМОИЛОВ,
ЎзА.

ТЕНДЕРДА ҚУРУҚ ТАКЛИФЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Вилоят ҳокимлигида вилоят, шаҳарлараро ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчи ташиш ҳуқуқини олиш учун навбатдаги очиқ тендер ўтказилди. Унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар атрофи, шаҳарлараро йўловчи ташиш учун лицензияга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этди.

— Сўнгги икки йил давомида Республика Президенти ҳамда вилоят ҳокимининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, — дейди тендер комиссияси аъзоси, вилоят ҳокимлигининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникация ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибияти бош мутахассиси Исмоил Раҳимбердиев, — автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини жорий этиш, юк ва йўловчи ташишни тартибга солиш ҳамда ваколатли органлар томонидан йўналишларга лицензия беришнинг белгиланган талабларига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шунингдек, бу жараёнда автоташ вчилар фаолиятини тартибга келтириш ва улар орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Навбатдаги тендерга етти йўналиш қўйилди. Айрим йўналишларга фақат биргина талабгор чиқди. Бу вазиятни комиссия аъзоси, «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси йўловчи ташиш бўлими бошлиғи Ҳайрулла Каримов қуйидагича изоҳлади:

— Тендер давомида бундай ҳолатларнинг юзага келиши табиий. Қайси йўналишда йўловчилар оқими кам бўлса, ўша ерда талабгор ҳам оз бўлади. Чунки, пул тушуми, яъни даромад ҳам шунга яраша бўлишини биламиз.

«Янгийўл деҳқон бозори — «Янгиҳаёт» ширкат хўжалиги» йўналиши бўйича эса, қизиқ ҳолатга дуч келинди. Бу йўналишда хизмат кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида бир йўла уч талабгор ҳужжат тақдим этган эди. Етти кўрсаткич бўйича талаб ва таклифлар мутаносиблиги инобатга олинган ҳолда ҳисоб-китоб қилинганда Янгийўл туманидаги «Ҳамкор-сервис» хусусий фирмаси ютиб чиқди. Қизиғи шундаки, талабгор томонидан тақдим этилган таклиф кўрсаткичлари комиссия талабидан анчагина баланд эди. Айниқса; ҳаракатланиш вақти, кундалик қатновлар ҳамда жадваллар сони анчайин оширилган ҳолда ҳужжатларга тақдим этилган. Тўғри, қандай тарзда таклиф киритиш талабгорга ҳавола. Бу рақамлар ҳақиқатга тўғри келмаяпти, дея талабгорнинг тендерда иштирок этишига қаршилик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бунга тендер шартлари ҳам йўл қўймайди. Лекин масаланинг мулоҳаза юритиб кўриш зарур бўлган муҳим бир томони бор. Таклиф этилаётган кўрсаткичларнинг бари тендерда ютиб кетиш учун бир ниқоб эмасмикан? Улоқни қўлга киритсам бўлди, ундан қандай фойдаланиш ўзимнинг ишим дея ўйламаяптимикан бу талабгор? Устигаустак, талабгорнинг таклифлари қоғоздагина қолиб кетмаслигига ким кафолат бера олади?

— Беш қўл баробар эмас, — дейди комиссия аъзоси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят бўлими етакчи мутахассиси Ҳамдам Бобожонов. — Талабгорлар орасида ўз имкониятларини тўғри баҳолаб, шунга яраша аниқ таклиф киритаётганлари кўп. Аксинча, кўпроқ балл олиш мақсадида ўзи бажаролмайдиган тадбирларни рўкач қилувчилар ҳам топилади. Биз эса, ҳар қандай шароитда қонуний равишда иш кўрамиз. Тендерда ғолиб чиққан ташкилот ўша йўналишда иш бошлагач, 15 кун ичида махсус гуруҳ мониторинг ўтказишга чиқади ва аҳвол ойдинлашади.

Маълум бўлишича, мониторинг давомида ғолибнинг тендер бўйича таклифлари нотўғри эканлиги аниқланган тақдирда энг кўп баллар миқдори бўйича кейинги талабгор ғолиб деб эътироф этилади. Бу ҳолда кейинги қатнашчи ҳам ўз тендер таклифларини асослаш учун юқорида келтирилган тартибда иш олиб боради. Қатнашчилар томонидан кўрсатилган талаблар бажарилмаган, тендер таклифлари ҳаққонийлиги тасдиқланмаган ҳолда уларнинг ғолиблиги бекор қилинади ҳамда йўналиш қайтадан тендерга қўйилгунга қадар комиссия йўналишда ишлаш ҳуқуқини маҳаллий ҳокимлик тавсияси асосида вақтинчалик бошқа ташувчига беришга ҳақли. Бундан мақсад эса, тендер қуруқ таклифлар майдонига айланиб қолмаслигига, унга нисбатан одамларда жиддий муносабат уйғотишга эришишдир.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Нишондорларимиз

Хушхабар тезда қанот чиқариб, оғиздан оғизга кўчди. Идорада зарур иш билан банд бўлган беш-ўн чоғлик хизматчи ўз шодликларини ичларига сиғдиролмай, ҳаяжонда эдилар. Кимдир дурадгорлик цехи томон чопиб кетди. Кимдир бошлиқларга маълум қилиб, суюнчи ундирмоқ илинжида телефонга ёпишди.



ҚАДР

Цехда ишлаётган ёш уста сайқал берилган тахталарни бир томонга сурганича, кийимидаги қипиқларни қоқмаёқ велосипедда қаёққадир шошиб кетди.

Рустамхон Отахонов одатдагидек, 4-мактаб учун қурилаётган иншоотда дераза, эшик-ромлар ўрнини ўлчаб юрган эди. Табиатан босиқ, камгап, ҳар бир ишни пухта ҳисоб-китоб билан бажаришга одатланган етакчи ҳовлиққанча келаётган шогирди Зоиргa хавотир билан боқди.

— Зоиржон, нима гап, цехда бирор кор-ҳол юз бердими?

— Йўқ, ҳаммаси жойида, — у шундай деганча мураббийга қучоқ очди. — Сизни биринчи бўлиб ўзим қутлай, деб орқаолдимга қарамай келавердим. Орден муборак, Устоз!

— Қанақа орден?! — Рустамхон ҳайрон бўлиб шогирдининг қувончдан ёшланган кўзларига тикилди.

— «Меҳнат шуҳрати» ордени олибсиз! Ахир, бундай даракни айтишга шошилмай бўладими?!

Шогирднинг ҳаяжони энди Рустамхонга ҳам кўчди. Бутун вужудида ширин титроқ туйди. Сўзлашга ҳоли қолмади. Хабарчини самимият билан маҳкам бағрига босди...

Шу тобда бундан роса 36 йил муқаддам «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамиятида устага шогирд тушган кезлари хаёлида жонланди. Эндигина 8-синфни тугатиб, ҳунар ўрганмоқчи эканлигини тортиниб, ийманиб айтган ёш йигитчага уста Раҳим Раҳмонов уч-тўртта тахта бўлакларини бериб:

— Шуни чиройли қилиб рандадан ўтказгинчи, — деган эди.

Ўшанда тўртта чоғроқ тахтани равон қиламан, деб тушгача жиққа терга ботганди. Раҳим акага йигитчанинг шижоати ёқиб қолди:

— Сендан уста чиқади, ўғлим. Бемалол келавер, — деди.

Орадан йиллар ўтди. Рустамхон моҳир дурадгор устага айланди. 1980 йилга келиб дурадгорлик цехи усталарига етакчи этиб тайинланди. Иш ҳамиша қайнаб ётади, усталарнинг қўли қўлига тегмайди. Бугун Бекободга, эртага Оҳангаронга, индинга Олмалиққа иншоотларни пардозлаш ишлари бошланмасдан эшик, деразалар ўрнатиш учун олиб кетилади. Ҳаммасининг бошида Рустамхон бўлади. Усталар қўли билан ясалган бирорта дераза ёки эшикда нуқсон бўлиши керак эмас. Бу корхонага қимматга тушади. Буюртманинг таннархини ошириб юборади.

Мустақиллик йилларида Пскент шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Пастқам томлар, уйлар ўрнида замонавий бинолар қад ростлади. Бу ишларда оддий касб соҳиби Рустамхон Отахонов бошлиқ усталарнинг ҳам ҳиссалари бор. Барчасининг ҳисобини қилиш қийин. Биргина шаҳар ҳуснига кўрк бағишлаб турган муҳташам туғруқ уйи, касб-ҳунар коллежи, ҳозирги кунда шиддат билан қурилаётган 4-мактаб бинолари бунга мисол.

Рустамхон шогирдига иш тайинлаб, унинг ҳаракатларини кузатаркан, 2001 йилда «Ўзбекистон Мустақилигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонини олганини эслади. Энди эса орден соҳиби бўлибди.

«Озод юртнинг истиқболи учун енг шимариб киришган ҳар қандай фуқаронинг меҳнати шубҳасиз қадр топар экан-да. Бунинг учун ҳукуматимизга раҳмат».

Уста бу шукрона сўзларни юрак тўридан чиқариб, баралла айтди...

Собиржон ИНОМОВ.

Касбим — фахрим

Оҳангарон водийсининг бепоён далалари, ям-яшил қир-адирлари, сервиқор тоғлари бағрида униб-ўсиб, вояга етаётган ёшлар ҳақида гап борганда, аввало, оддийгина қишлоқ ўқитувчиси кўз ўнгимда гавдаланади. Нақадар ҳокисор, камтарин инсонлар улар. Чотқол қурама тоғларининг этагида жойлашган қишлоқлардан бири Собир Раҳимов номи билан юритилади. Мовий осмон, шўх жилғаларнинг беғуборлиги акс этган нигоҳлар, яйдоқ далаларда беармон чопиб, кўклам куёши, ёзнинг жазирамасида қорайган чеҳралар...

ЯХШИЛИК УРУҒЛАРИ УНАВЕРСИН

Болаларнинг ортидан завқ билан боқиб, ихчамгина мактаб ҳовлисига кириб келганимизни сезмай ҳам қолдик.

— Ўзим шу мактабда ўқиганман, — дейди 27-умумтаълим мактабининг илмий бўлим мудири Нурмат Холтурсунов. — Мана энди, 29 йилдан буён болаларни ўқитаяпман. Умр йўлдошим Буойша Каримова ҳам математикадан дарс беради. Ишни бирга бошлаганмиз. Беш фарзандимиз ҳам шу мактабда ўқишган, ўқишмоқда.

/Ҳозирги кунда 806 ўқувчига 76 нафар ўқитувчи дарс бермоқда. Уларнинг аксарияти шу мактабда таҳсил олган.

Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қурилаётган ҳашаматли, замонавий ўқув-таълим масканларини кўриб, ҳавас қиламан. Фидойи ўқитувчиларимиз, илмга чанқоқ ёшларимиз бор экан, келажакдан умидимиз катта.

Мудирнинг сўзларига қараганда Турғун Кўчбоев каби кекса устозлар, Соатали Алматов, Бусалима Сафарова, Дилором Қаршибоева, Гулноза Сулаймонова каби ўз касбига садоқатли ўқитувчилар мактабнинг файзи, болаларнинг севимли устоз-мураббийларидир.

Биз адабиёт фанининг ҳақиқий жонкуяри Бусалима Сафарова билан суҳбатлашдик.

— Бу даргоҳ мен учун жуда азиз, иккинчи уйим, — дейди у. — Ўзим ҳам шу мактабда оқ-қорани танидим, устозлар меҳри, доно ўгитидан баҳраманд бўлиб вояга етдим. Ҳозир олти фарзандимнинг беш нафари шу ерда ўқийди.

Кўринишдан сипогина, лекин жуссасидан, чақноқ нигоҳларидан сўнмас ғайрат уфуриб турган бу камтарин аёл билан суҳбатлашишнинг ўзи кишига ҳузур бағишлайди.

— Сезиб турибман, ўқитувчилик осон эмас, нима учун шу касбни танлагансиз, демоқчисиз, шундайми? Айниқса, бизнинг қишлоқ шароитида. Тўғри, четдан қараганда шундай туюлади. Лекин шу ерда яшаб, шу қишлоқнинг тузини ичган ҳар қандай инсон унга жон-тани билан боғланиб қолади. Устозим, адабиёт ўқитувчиси, меҳнат фахрийси Неъмат ота Бойматов доимо бор нарсанинг қадрига етиб, шукрона билан яшаш керак, одамлар қалбида фақат яхшилик уруғи унсин, дердилар. У кишига ҳавас қилиб, ўқитувчилик касбига меҳр қўйдим. Мана, 20 йил бўлиб қолди. Доимо болажонлар, жондан азиз ўқувчилар билан биргаман. Уларга Ватан, она диёр, меҳр-муҳаббат, диёнат, оқибат ҳақида улуғ алломаларимиз, таниқли шоир ва ёзувчиларимиз ижоди мисолида сўзлаб беришни ёқтираман. Ўқувчиларнинг кўзларидаги ҳайрат, илмга чанқоқлик янада кўпроқ изланишга, ўз устимда қунт билан ишлашга ундайди. Оила, олти фарзанд ташвишидан ортиб, кечаси китоб ўқиш, дафтар текшириш, саҳармардонда туриб, сигир соғиш, нонушта тайёрлашни иштиёқ билан бажараман. Умр йўлдошим эса, тадбиркор. Бекор ўтиришни ёқтирмайди. Аввал ўрмон хўжалигида ишлаган. Ҳозир мол-ҳол, парранда боқиб, деҳқончилик қилади. Ўзимизга яраша томорқамиз бор. Беш ўғлим мана шу меҳнат ичида катта бўлишяпти. Ҳозир уларга атаб уй-жой қураяпмиз. Баъзилар яшаш қийин, маош кам деб, нолиб қолишади. Менинг шиорим эса, ҳалол меҳнат қилиш, қаноат билан яшаш. Оилада шундай тарбияланганмиз. Отам кекса деҳқон, етмиш ёшда бўлсалар ҳам қўлларидан кетмон тушмайди. Қишлоқда у кишини Турғун фермер дея ҳурмат қилишади. Онам ҳам хўжаликда ишлаганлар. Ҳозир уйдалар. У киши «Аёл уйнинг фариштаси, йўқдан бор қилишни ўрганиши керак» дердилар. Мен бу ишлардан ташқари, озроқ тикувчилик билан ҳам шуғулланаман. Кўни-қўшниларга бешик анжомлари, кўрпа-ёстиқ тикишда қўлимдан келганча ёрдам бераман. Хуллас, шуни чин дилдан айтмоқчиманки, доимо кимдандир, нимадандир умид қилиб, таъма қилиб яшашнинг ўрнига «Мен ўзим мустақил Ўзбекистонимга, Ватанимга нима наф келтирдим?» дея ўзига ҳисоб бергувчи инсонгина хотиржамликда яшайди. Қаноатда ҳикмат кўп. Мен ҳеч қачон бошқа касбда ишлашни ўйлаб ҳам кўрмаганман.

— Сизнинг сўзларингизни тинглаш, ҳақиқатдан ҳам мароқли. Ўқитувчи сифатида орзуларингиз, армонларингиз борми?

— Мен қалб амри билан шу йўлни танлаганман. Имкон борича, болаларга бор билимимни ўргатишга, уларни биздан ҳам ақлли, биздан ҳам бахтли бўлишига ҳаракат қиламан. Орзуим — келажакда фарзандларимиз, невараларимиз бунданда чиройли, ҳашаматли, барча шароитлар муҳайё бўлган мактабларда ўқишса дейман. Қизим Муаттархон 8-синфда ўқийди. Унинг орзуси ҳам ўқитувчи бўлиш. Демак, ўқитувчидек улуғ номга ҳавас қилгувчилар, интилувчилар, қисқаси, издошларимиз кўп. Шу менга қанот бағишлайди. Ниятим, ҳақиқий халқ ўқитувчиси бўлиш бахтига эришиш, қишлоғимиз гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшадиган чинакам ватанпарвар ёшларни тарбиялашдир.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«Ал-Манар» саҳифаларида

Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан жаҳон оммавий ахборот воситалари мамлакатимизга бағишланган мақолаларни эълон қилишда давом этмоқда.

Хусусан, Мисрнинг етакчи газеталаридан бири «Ал-Манар» яқинда ўз саҳифаларида «Ўзбекистон: ўтмиш ва келажак» сарлавҳали мақолани чоп этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сурати билан безатилган мақола юртимизнинг бой тарихи, ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, нашрда дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг демократик фуқаролик жамиятини қуриш борасида эришган ютуқларига ҳам эътибор қаратилган. «Ал-Манар», шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муваффақиятли равишда амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам урғу беради.

«Жаҳон» АА.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА:

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ВОСИТАСИ

Мустақиллик шарофати билан республикамизда пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз электрон тўловлар банк орқали айланишининг қулай имкониятлари вужудга келди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимизда бу янгиликни жорий этишда пешқадамлик қилаётир. Банкнинг биргина Ангрен бўлимида пластик карточкалар бўйича мижозлар сони бугунга келиб, ўн мингдан ошди. Уларнинг 86 фоизи «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик бирлашмаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда ишловчилардир.

Шу тариқа аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бормоқда. Зеро, пластик карточкаларнинг амалдаги қулайликлари эндиликда нақд пул муомаласида муаммоларга ўрин қолдирмаяпти.

— Пластик карточкалар бўйича биринчи мижозларимиз кўмирчилар ҳисобланади, — дейди банк бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Фиёс Анорқулов. — 2002 йилнинг 1 январидан тизимдаги мавжуд 11 та корхона ва ташкилотда иш ҳақининг 20-30 фоизини нақд пулсиз тўлаш шаклига ўтилди.

Дастлабки йили жойларда ўнга яқин терминаллар фаолият кўрсатган бўлса, шу кунга келиб уларнинг сони 30 дан ошди. Бу терминаллар бевосита хўжалик, қурилиш ва озиқ-овқат дўконларида, дорихоналарда, уяли алоқа, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қуйиш шахобчаларида мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Бу эса ўз ўрнида банкларда пул тушумининг барқарорлашувига замин яратаяпти.

Шу йилнинг август ойидан банк мижозлари Ангрен иссиқлик энергия станцияси ва Қорабоғдаги оилавий поликлиника жамоаси ҳисобига яна 500 нафарга кўпайди. Айни вақтда «Тоштелеком»нинг Ангрен филиали алоқачилари ҳам бу жараёнга ҳозирлик кўришмоқда.

Пластик карточкалар бўйича мижозларнинг аксарияти кўмирчилар эканлиги муносабати билан «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик бирлашмаси ҳомийлигида шаҳарнинг Кўктерак маҳалласида мини банк биноси бунёд этилмоқда. Шу йилнинг тўртинчи чорагида ишга туширилади ва банк бевосита кўмир тизими корхоналарига хизмат кўрсатади. Шахобчага 2 та банкомат, 7 та терминал ўрнатилади ва мижозларга 10 га яқин ходим хизмат кўрсатади.

— Сўм пластик карточкаси товарлар, хизматлар ҳақини нақд пулсиз тўлашда энг қулай восита, — дейди Ангрен кўмир кони ишчиси Зуҳра Қаршибоева. — Биз яқинда карточкада йиғилган пулга дўкондан телевизор, музлаткич сотиб олдик. Товарнинг ишончли, кафолатли бўлганлигига нима етсин.

Дарҳақиқат, пластик карточкалар шахсий бюджетни бошқаришнинг самарали усулидир. Қолаверса, бу қулай восита карточка эгасининг ҳисобдаги жамғармасини сақлаш ва уни фоиз ҳисобида ойма-ой бойитиб бориш ваколатига ҳам эга. Шунингдек, ундаги жамғарма ва пуллар ҳаракати тўғрисида исталган вақтда банкдан аниқ маълумот олиш мумкин.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *Чикризов кўчасидаги маданий моллар дўконида навбатдаги мижозга пластик карточка билан хизмат кўрсатилаётган пайт.*

Муаллиф олган сурат.

ТИНЧЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ер юзидаги барча миллат ва элатлар бирдек қадрлайдиган қадриятлар кўп. Уларнинг орасида тинчлик алоҳида ўрин тутади. Зеро, тонгларимиз осойишталиги, кунларимиз серунумлигию окшомларимиз сокинлиги ана шу бебаҳо неъмат билан боғлиқ.

Шу боис 2001 йилнинг сентябрь ойида БМТ бош ассамблеясида 21 сентябрни – Халқаро тинчлик куни сифатида белгилаш тўғрисида резолюция қабул қилинди.

Мамлакатимизда мазкур сана кенг нишонланди. Жорий йилда ушбу кун "Спорт – тинчлик элчиси" мавзуида ўтди. Жойларда тинчлик-тотувлик, ўзаро баҳамжиҳатликни қадрлашга бағишланган ранг-баранг тадбирлар ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги "Умид" болалар спорт мажмуида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди. Унда турли давлат, нодавлат, халқаро ташкилотлар ҳамда ижодий бирлашмалар вакиллари иштирок этди.

Тадбир доирасида мактаб ўқувчиларининг тинчликка бағишланган расмлари танлови, спорт мусобақалари ўтказилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Аср вабоси

«ҚОРА АЖАЛ» ИСКАНЖАСИДА

Ҳаёт — бебаҳо неъмат. Гоҳида унинг қадрига етмаймиз. Яшаш завкини, бахт сурурини турли хоҳ ҳавасларга йўямиз. Онгли равишда ҳаётнинг ҳавойи сўқмоқларига бош суқамиз. Яшаш омиллари қанчалик енгиллашгани, фан ва техника оламида ютуклар қўлга киритилганига қарамай, инсон ҳамон ечими мушкул янги-янги муаммоларга дуч келмоқда. Жумладан, кишилик жамиятига гиёҳвандлик балоси катта ташвиш туғдирмоқда. Бунга қарши қанчалик қатъий курашилмасин, барҳам топиши қийин кечмоқда.

Афсуски, бу офат юртимизга ҳам ўз таъсирини ўтказишга уринаяпти. Айрим кимсалар борки, иллатнинг кенг илдиз отишига сабабчи бўлиб қолаётирлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари 2005 йилнинг охирларида Бекобод туманидаги «Бекобод» ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи, асли Тожикистон фуқароси Муҳаммаджон Йўлдошевни қўлга олишди. Унинг уйи текширилганида ҳаммаёқ рисоладагидек кўринди. Лекин, ҳуқуқ-тартибот ходимларига ерёнғоқ тўлдирилган иккита қоп сирли туюлди. Текшириш шубҳа тўғрилигини тасдиқлади. Қопларнинг ичидан жами 20 килограммга яқин гиёҳвандлик моддаси — героин чиқди.

Тергов чоғида шу нарса маълум бўлдики, Йўлдошев бу «моллар»ни аниқланган ҳамтовоқлари билан қўшни юртдан олиб келган. Аслида бу омонатни Тошкентга, оралиқ манзилга етказиб беришлари, у ердан қозоғистонлик икки «мижоз» келиб олиб кетиши лозим эди. Бир неча киши Ҳамза туманида рухсатсиз яшаб, ноқонуний гиёҳвандлик моддалар савдоси билан шуғулланиб келишган. Хуллас, шу йил апрелда наркокурьер Муҳаммаджон Йўлдошевнинг жиноий ишини кўриб, суд уни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Афсуски, бугунги кунда дунё мамлакатларини «қора ажал» ўз исканжсига тобора қаттиқ олмоқда. Унинг бугунги ва келажак авлод соғлиғи учун ҳар томонлама катта зиёни ҳаммамизга бирдек аён. Шу боис, гиёҳвандликка қарши кураш, бу борада халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликка мамлакатимизда катта эътибор қаратиляпти. Уни улгуржи етказиб бериш йўлларига биргаликда ишончли ғовлар қўйилмоқда. Шунга қарамай, турли найранглар ёхуд қўлдан-қўлга «майдалаб узатишлар» бўлаяпти. Бу ишларга, ҳаттоки, аёлларни жалб қилиш ҳолатлари авж олаётир. Уларнинг жиноятга билиб-билмай қўл ураётганликлари ниҳоятда ташвишланарли. Яна бир аянчли жиҳат шундан иборатки, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар доираси ёшариб бораяпти.

Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласан, киши. Баъзида шундоққина кўз ўнгимизда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўламиз. Гўё «Бир болага етти қўшни ота-она» қабилидаги ақидалар унутилаёзгандек. Гоҳида шунчалик лоқайдликка бериламизки, ширингина орзу-умидлар билан катта қилаётган нуридийдаларимиз босаётган қадамига эътибор бермай, юзаки муносабатда бўламиз.

Бугунги кунда ҳар биримизнинг Ватан олдидаги масъулиятли бурчимиз — юрт равнақи, келажаги учун куч-ғайратини аямайдиган, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказишдан иборат. Минг афсуски, юқоридаги каби ҳолатлар — гиёҳвандлик моддаларининг хуфиёна олди-сотдиси бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизга соя ташламоқда. Гиёҳванд моддаларни Ўзбекистон орқали ташиб ўтишга уринишлар, бу заҳри қотилни истеъмол қилиш мамлакатимизда оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, XXI асрнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолаётган гиёҳвандликка, унинг оғир асоратларига қарши кураш, пировардида соғлом авлодни камол топтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилаётир. Бу иллатни бартараф этиш эса, нафақат мутасаддиларнинг, балки жамиятдаги барча кучларнинг жиддий ва изчил фаолият олиб боришларини тақозо этади. Фақат ҳамкорликдаги фаолият, куч-қувватларни бирлаштириш орқалигина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 25

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 10.30, 11.10, 12.40, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 13.55, 18.40 Олтин мерос.
9.00 «Муҳаббат қасри». Телетеатр.
9.40, 23.05 «Олам ва одам» дастури: «Вулқонлар». «Японияниг ёввойи табиати».
10.35 «Чинининг саргузаштлари». М/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Одами эрсанг».
11.35, 12.45 «Алишер Навоий». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-2-қисмлар.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Қишлоқ ҳаёти».
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.15 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.30 «Ўзбекистон аёли».
17.50 «Оҳанглар оғушида».
17.55 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Умр дафтари». 1-қисм.
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Лафз». Т/с.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Хазонрезги». Т/с.
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». Т. Бадинов.
22.00 «Хотинлар исёни». Т/с.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

16.00, 19.00, 22.00 Давр.
16.15, 21.05 Омон бўлинг!
16.20 Солиқ хизмати.
16.30 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига: Телепортрет.
16.45 Матонат.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 Шум болалар.
17.30 Устозим...
17.35 «Меҳробдан чаён». Т/с.
18.20 Дилрабо наво.
18.40 Устозим...
18.45, 20.30 UzEX.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.30, 21.00 Эълонлар.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Ракурс.
20.35 Наво-SMS.
21.10 «Зерда». Т/с.
22.30 Мафтунингман!
22.45 «YOSHLAR»да куз оқшомлари.

ТОШКЕНТ tv

18.00 М/ф «Покахонтас».
18.10 21.50 «Телекурьер-маркет»
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Т/с.
19.30 Мусиқа SMS.
19.50 «2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломат бўлинг».
20.20 «Эрудит».
20.35 «Қўрқмас ва довюраклар». Т/с.
21.05 «Интервью».
21.15 «Жозиба».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино «Шарқий экспрессдаги қотиллик».

СПОРТ (SPORT TV)

17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Танаффусда-«Хабарлар».
18.50 «Тет-а-тет».
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Вести».
20.25 «Ўрта ер денгизи». Т/с.
21.10 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Проф-РИНГ».
22.40 Еврофутбол. Россия премьер лигаси.

Юнусобод туманидаги «SORMAK TASHKENT» МЧЖ (ОКПО 21302294)
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ҳафта давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муртазоев кўчаси, 12/42-уйда қабул қилинади.

СЕШАНБА 26

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 14.15, 17.10, 17.35, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50, 18.40 Олтин мерос.
8.45 «Муҳаббат қасри». Телетеатр.
9.10, 23.05 «Музлик даврини кечирганлар».
10.00 «Ўйла, Изла, Топ!» «Чинининг саргузаштлари». М/с.
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Хазонрезги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ҳазрати Усмон Қуръони».
12.25 «Ўзбекистон аёли».
12.45 «Йигит кўнгли». Т/с.
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.05 «Назм ва наво».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.40 «Оҳанглар оғушида».
17.55 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Рамазон туҳфаси».
18.45 «Лафз». Т/с.
19.15 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Хотинлар исёни». Т/с.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.40 Journal.
9.00 Минг бир чўпчак: «Еттинчи жин».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Ракурс.
11.15 Устозим...
11.20 Саҳоват.
11.45 Матонат.
13.15 Интерфутбол.
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 Нафосат олами.
16.30 Кино-SMS.
16.35 Дунё бўйлаб...
16.55 Устозим...
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 «Севинч»нинг севинчи.
17.35 «Меҳробдан чаён». Т/с.
18.20 Дилрабо наво.
18.40 Давр мавзуси.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.30 Эълонлар.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.15 Автопатруль.
20.35 CINEMANIYA.
22.30 Мафтунингман!
22.45 Жаҳон киноси: «Тикка йўл адоғи».

ТОШКЕНТ tv

7.30 Салом, Тошкент!».
8.30, 11.05, 13.15, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Австралиянинг ёввойи табиати». Ҳужжатли телесериал.
10.20 «Ҳангома».
10.45 Аёл қалби»
11.10, 19.30 Мусиқа SMS.
11.30 «Саломат бўлинг».
11.40, 20.35 «Қўрқмас ва довюраклар». Т/с.
12.10 «Туризм ҳақида».
12.40, 21.05 «Репортаж».
12.50 «Кино мўъжизалари».
13.20, 20.20 «Эрудит».
13.35 Кино. «Шарқий экспрессдаги қотиллик».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Ҳимоя».
21.15 «Жозиба».
22.10 «Бахтли бўлинг».
22.50 Кино. «Ҳеч қачон демагин ҳеч қачон».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультфильм.
9.20 «Спорт- клуб».
9.30 «Футзал чорраҳаларида».
10.00 Детективлар.
10.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.25, 20.15 «Ўрта ер денгизи». Т/с.
18.55 «Юнон-рум» кураши бўйича халқаро турнир.
19.15 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.00 «Вести».
21.00 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.
22.50 Чемпионлар лигаси кундалиги.
23.15 «Баҳодирлар уйини».
23.40 Футбол. Европа чемпионлари лигаси.

ЧОРШАНБА 27

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.40, 14.15, 16.35, 17.10, 18.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55, 17.15, 18.40 Олтин мерос.
8.45 «Муҳаббат қасри». Телетеатр.
9.20, 23.05 «Олам ва одам» дастури: «Дельфинлар».
10.10 ИИВ хабарлари.
10.25 «Остонаси тиллодан».
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Хазонрезги». Т/с.
12.00 «Минг бир маслаҳат».
12.20 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
12.45 «Йигит кўнгли». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.20 «50х50».
16.10 «2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик» дастури.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.00 «Бизнинг кутубхона».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Лафз». Т/с.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Янги оҳанглар». Ё. Ражабов.
22.00 «Хотинлар исёни». Т/с.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.40 Анонс.
8.45 Минг бир чўпчак: «Насриддиннинг саргузаштлари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 «Ватанпарвар» дастури.
13.15 Кино-SMS.
13.20 CINEMANIYA.
13.50 Талаба талабага дўст.
14.35 Устозим...
14.40 Давр мавзуси.
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 Автопатруль.
16.40 Тараққиёт сари. 1-қисм.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 Болалар шеърияти.
17.30 Болалар табассуми.
17.35 «Меҳробдан чаён». Т/с.
18.20 Дилрабо наво.
18.30 Каталог.
18.40 Олов билан юзма-юз.
18.55 Устозим...
19.30, 21.00 Эълонлар.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Наво-SMS.
20.30 «ЎзДЭУавто»нинг 10 йиллигига: «Истиқлол мевалари».
22.30 Мафтунингман!
22.45 Жаҳон киноси: «Орзу дарахти».

ТОШКЕНТ tv

7.30, «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.30, 11.55, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Австралиянинг ёввойи табиати». Ҳужжатли телесериал.2- қисм
10.20 «Ҳимоя».
10.35, 21.05 «Репортаж».
10.45, 19.30 Мусиқа SMS.
11.05 «Бахтли бўлинг».
11.25, 20.35 «Қўрқмас ва довюраклар». Т/с.
12.00, 20.20 «Эрудит».
12.15 Кино: «Ҳеч қачон демагин ҳеч қачон».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
21.15 «Жозиба».
22.10 «Энг кулгили видео».
22.50 Кино. «Элвис ва мен».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультфильм.
9.20 Шинкиокушинкай каратэ.
9.40 «Спорт – менинг ҳаётим».
10.00 Детективлар.
10.35 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати.
11.05, 20.25 «Ўрта ер денгизи». Т/с.
18.55 «Тет-а-тет».
19.10 «Олам бўйлаб».
20.00 «Вести».
21.05 Янги иқтисод.
21.50 «Форт Боярд».
23.00 Енгил атлетика.
23.40 Футбол. Европа чемпионлари лигаси.

ПАЙШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.10, 14.15, 17.10, 18.05, 19.15, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50, 17.15, 18.35 Олтин мерос.
8.45 «Қарз». Теленовелла.
9.10, 23.05 «Олам ва одам» дастури: «Самовий археология».
10.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа. «Чинининг саргузаштлари». М/с.
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Хазонрезги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 «Бизнинг кутубхона».
12.25 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
12.45 «Йигит кўнгли». Т/с.
15.20 Жаҳон операси хазинасидан. В. Беллини. «Норма».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.10 «Минг бир ривоят».
18.15 «Рамазон туҳфаси».
18.40 «Лафз». Т/с.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Умр мазмуни».
22.00 «Хотинлар исёни». Т/с.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.40 Анонс.
8.45 Минг бир чўпчак: «Париларнинг кузги совғаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Ёнимдаги бахт.
11.05, 16.40 Тараққиёт сари. 1-қисм.
11.25 Истиқлол мевалари.
11.55 Устозим...
13.15 Телепортрет.
13.30 Устозим...
13.35 Умр дафтари.
14.40 Хазина. 6-қисм.
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига: «Ҳаёт мазмуни».
16.35 Устозим...
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 Китоб жавони.
17.30 Болалар табассуми.
17.35 «Меҳробдан чаён». Т/с.
18.20 Дилрабо наво.
18.40 Устозим....
18.45 Давр-репортаж.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.30, 21.00 Эълонлар.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10, 20.45 Наво-SMS.
20.25 Бу шундай бўлган эди...
22.30 Мафтунингман!
22.45 Жаҳон киноси: «Ҳаёт эртаги».

ТОШКЕНТ tv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.30, 11.55, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе».Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер – маркет».
9.30 «Австралиянинг ёввойи табиати». Ҳужжатли телесериал.
10.20 «Муқаддас қадамжолар».
10.35, 21.05 «Интервью».
10.45, 19.30 Мусиқа SMS.
11.05 «Энг кулгили видео».
11.25, 20.35 «Қўрқмас ва довюраклар». Т/с.
12.00, 20.20 «Эрудит».
12.15 Кино: «Элвис ва мен».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Иқтисод - ревю».
21.15 «Жозиба».
22.10 «Юртим жамоли».
22.50 Кино: «Эмма».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультфильм.
9.20 Шинкиокушинкай каратэ.
9.40 «Заҳирадаги спортчи».
10.00 Детективлар.
10.35 Кучли бешлик.
11.25, 20.25 «Ўрта ер денгизи». Т/с.
18.55 «Бешинчи ўлчов». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Гейм-Сет-Матч».
19.35 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Вести».
21.50 «Беллашув».
22.50 Еврофутбол. Европа чемпионлари лигаси.

ЖУМА 29

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 16.35, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.30, 11.10, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 18.35 Олтин мерос.
8.50 «Шафтоли». Теленовелла.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Денгиз тубидаги синоатлар».
9.50 «Цирк, цирк, цирк». «Болалар дунёси».
10.35 Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. «Қарши наволари».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Хазонрезги». Т/с.
11.55 «Табаррук замин».
12.25 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Умр мазмуни».
12.45 «Оқтошлик болалар». Б/ф.
13.55 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
15.20 «Жаҳон операси хазинасидан». В. Беллини. «Норма». 2-қисм.
16.40 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
17.15 «Бизнес янгиликлари».
17.30 «Ўзбекистон пахтаси».
17.50 «Бир асар тарихи».
18.10 «Минг бир ривоят».
18.15 «Рамазон туҳфаси».
18.40 «Лафз». Т/с.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Хотинлар исёни». Т/с.
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.05 «Меҳрибонлик». Б/ф.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.40 Анонс.
8.45 Минг бир чўпчак: «Кулол ва хумча».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Кино-SMS.
11.05 Тараққиёт сари. 2-қисм.
11.25 Бу шундай бўлган эди...
11.45 Ҳаёт мазмуни.
13.15 Устозим...
13.20 «Чеча» спектакли.
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 Чемпион сирлари.
16.40 Талабалар шаҳарчаси.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 У ким? Бу нима?
17.30 Устозим...
17.35 «Меҳробдан чаён». Т/с.
18.20 Дилрабо наво.
18.30 Сифат белгиси.
18.40 Меъёр-соғлиқ гарови.
19.30, 21.00 Эълонлар.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.45 Наво-SMS.
22.30 Мафтунингман!
22.45 Жаҳон киноси: «Шоушенкдан қочиш».

ТОШКЕНТ tv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 11.00, 12.15, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Австралиянинг ёввойи табиати». Ҳужжатли телесериал.
10.20 «Санъат гулшани»
10.40 «Юртим жамоли».
11.05, 19.30 Мусиқа SMS.
11.25, 20.35 «Қўрқмас ва довюраклар». Т/с.
11.55, 21.05 «Интервью».
12.05 «Иқтисод - ревю».
12.20, 20.20 «Эрудит».
12.35 Кино: «Эмма».
18.00 «Афиша».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг».
21.15 «Жозиба»
22.10 «Юрт қадри»
22.50 Кино. «Самодаги пойгалар».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 «Болалар спорти».
8.35, 18.20 Мультфильм.
9.20 «Снукер».
10.00 Детективлар.
10.35 Ринг.
11.05 «Ўрта ер денгизи». Т/с.
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.55 «Энг қувноқ концерт».
20.00 «Вести».
20.25 «Мўъжизалар майдони».
21.50 «Оилавий бахт». Б/ф.
23.20 Еврофутбол. УЕФА кубоги.

ШАНБА 30

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.25, 14.15, 17.20, 19.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 18.35 Олтин мерос.
8.45 «Ҳидоят сари».
9.05 «Олтин тож». Телеўйин. «Чинининг саргузаштлари». М/с.
10.00 «Шифокор қабулида».
10.30 «Оналар мактаби».
10.50 «Чинсен». «Маврид».
11.30 «Хазонрезги». Т/с.
12.05 «КиноТеатр».
12.25 «Биз буни ўтмаганмиз». Б/ф.
13.55 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.20 «Меҳр кўзда».
16.00 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Саломатлик сирлари».
17.45 «Оҳанглар оғушида».
17.50 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
18.10 «Минг бир ривоят».
18.15 «Рамазон туҳфаси».
18.40 «Лафз». Т/с.
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Навобахш».
21.40 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва
концерт.
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
22.40 «Айтмасанг ҳам биламан». Б/ф. 1-қисм.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «Зерда». Т/с.
8.40, 10.15 Анонс.
8.45 Минг бир чўпчак: «Рикки-Тикки-Тави».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.20 Интерфутбол.
13.15 Хазина. 6-қисм.
13.30 Бола тилидан.
14.00 Жаҳон киноси: «Пахмоқ ота».
15.40 Кино-SMS.
15.45 Ойдин орзули одамлар.
16.15 Миллий кино: «Ганг дарёсининг қизи».
17.25 Қўшқулоқ.
17.45 Устозим...
17.50 «Камолот» хабарлари.
18.00 Каталог.
18.10 ДаврА.
18.40 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига: «Таъзим».
19.30, 21.15 Эълонлар.
19.35 «Севги фариштаси». Т/с.
20.20 Юлдуз билан...
20.50 Наво-SMS.
21.20 Оҳанрабо.
22.30 Мафтунингман!
22.45 Эркин Комилов юбилейи.
23.45 «Моя мечта». Дунё таомлари.

ТОШКЕНТ tv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.55, 12.30, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.45 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Австралиянинг ёввойи табиати». Ҳужжатли телесериал.
10.20 «Дилкаш наволар».
10.45 «Саломат бўлинг».
11.00, 19.25 Мусиқа SMS.
11.20 «Энг кулгили видео».
11.40, 21.05 «Репортаж».
11.50 «Қўрқмас ва довюраклар». Т/с.
12.20, 18.00 «Афиша».
12.35, 20.20 «Эрудит».
12.50 Кино: «Самодаги пойгалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.35 «Камин олдида суҳбат».
21.15 «Жозиба».
22.10 «Кино мўъжизалари».
22.50 Кино: «Ниқоблар».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30, 8.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Смак».
9.30 «Фазенда».
10.00 Рақибингиз гроссмейстер».
10.20 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати.
11.00 «Военное дело».
11.20 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
12.10 «Опекун». Б/ф.
13.40 Енгил атлетика.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.50 «Мониторинг».
19.20 Самбо. Жаҳон чемпионати.
20.00 «Вести».
20.20 «Иқтидор».
21.10 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.50 «Мусиқий марафон».
22.30 «Катта пойга».
23.50 Еврофутбол.

ЯКШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН 1

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ.
6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, «Ахборот».
8.35, 9.05, 10.50, 17.40 ТВ анонс.
8.40, 18.30 Олтин мерос.
8.50 «Эҳсон». Теленовелла.
9.10 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Болаларга бахшида умр».
10.30 «Саломатлик сирлари».
10.55 «Устоз». Видеофильм.
11.15 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
12.05 «Заковат».
13.05 «Меҳрим сен билан».
15.20 «Оддий ҳақиқатлар».
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.15 «Бир ҳарф ўргатмиш ранж ила...».
16.35 «Олтин тож». Телеўйин.
17.10 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
17.45 «Одами эрсанг».
18.05 «Минг бир ривоят».
18.10 «Рамазон туҳфаси».
18.40 «Интеллектуал ринг».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.05 «50х50».
21.45 «Ҳаёт давом этади».
22.05 «Тилаклари ойдин қизлар». Ҳамшира — 2006.
23.15 «Айтмасанг ҳам биламан». Б/ф. 2-қисм.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 Оҳанрабо.
8.40 Давр-репортаж.
8.50 «Камолот» хабарлари.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 Journal.
10.20 Таъзим.
10.40 Устозим...
10.45 Қилни қирқ ёриб...
11.30 ДаврА.
13.00 Миллий кино: «Темир хотин».
15.10 Ринг қироллари.
16.00 Чемпион сирлари.
16.20 Миллий кино: «Икки дил достони».
17.55 Оқшом қўнғироқлари.
18.00 Ўқитувчи ва мураббийлар куни: «Мухлис-шоу».
18.40 Дилрабо наво.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.35 «Севги фариштаси». Т/с.
20.20 «Ошуфта». Азиза Ниёзметова.
20.50 Ўқитувчи ва мураббийлар куни: «Илдиз ва япроқ».
21.30 CINEMANIYA.
22.00 Миллий кино: «Муҳаббатимсан».

ТОШКЕНТ tv

7.30 Салом, Тошкент!».
8.30, 10.20, 13.15, 17.55, 21.00 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.30, 21.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Австралиянинг ёввойи табиати». Ҳужжатли телесериал.
10.25, 20.50, 21.40 «Репортаж».
10.35 Устоз ва мураббийлар кунига. «Сизга таъзим устозлар».
11.25 «Афиша».
11.35, 18.10 Мусиқа SMS.
11.55 «Ҳашоратлар». Ҳужжатли фильм.
12.25 «Устоз ҳақида сўз».
12.45 «Камин олдида суҳбат».
13.20, 21.50 «Эрудит».
13.35 Кино «Буюк Мерлин».
16.35 «Санъат гулшани».
16.55 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.25 «Нима учун?».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.50 «Дилкаш наволар». Равшан Комилов
19.20 Кино: «Севги сароблари».
21.25 «Жозиба».
22.05 «Туризм ҳақида».
22.35 Якшанба кинозали: «Омадли жентльменлар».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
8.50 «Хабарлар».
9.10 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
9.25 «Ҳамма уйдалигида».
10.20 «Аралаш».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Соғлом оила».
12.10 Бокс. Ўсмирлар халқаро турнири.
12.35 «Байрам табриги».
12.40 «Дорихона эшитади».
13.25, 16.35 «Катта танаффус». Б/ф.
15.25 «Мураббий».
15.40 «Байрам табриги».
15.45 Футбол.
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тақдир чизгилари».
20.00 «Вести».
20.20 «Байрам табриги».
20.25 «Кто нас выводит в мастера».
21.30 «Талқин».
22.00 «Юлдузлар муз устида».
23.20 «Байрам табриги».
23.25 Самбо. Жаҳон чемпионати.
00.05 Еврофутбол.

XXI аср ва ДУНЁ

ТАИЛАНДДАГИ ТЎНТАРИШ

Оммавий ахборот воситалари Таиландда давлат тўнтариши содир этилгани ҳақида хабарлар тарқатмоқда. Айни пайтда мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этилиб, амалдаги конституция бекор қилинган.

● **Фаластин мухторияти президенти Маҳмуд Аббос янги фаластин ҳукумати Исроил давлатини тан олажагини билдирди.**

● Россия Федерацияси президенти Владимир Путин Москва мэри Юрий Лужковни «Ватан олдидаги хизматлари учун» 1-даражали ордени билан тақдирлади.

● **Индонезияда динлараро тўқнашувларни уюштирганликда айбланиб, 2001 йилда ўлим жазосига ҳукм қилинган уч насроний қатл этилди.**

● Кейптаунда ташкил қилинган African Aerospace & Defence 2006 кўргазмасида Жанубий Африка Республикаси Ҳарбий ҳаво кучлари Швециядан харид қилган JAS-39 Gripen русумидаги биринчи қирувчи самолёт намойиш этилди.

Таиландниг барча миллий телевизион тармоқлари орқали ҳукуматни ислоҳ қилиш бўйича фавқулодда комиссия тузилиши ҳақида хабар тарқатилди. Муваққат ҳукумат, шунингдек, мамлакат қироли Пумипон Адульядетга содиқ эканини баён қилди.

Тўнтариш ташкилотчиларининг таъкидлашича, жорий вазият вақтинчалик бўлиб, ҳокимият тез кунларда халққа қайтарилади.

Воқеанинг асосий сабабчилари бўлмиш ҳарбийлар таиландликларга мурожаат этиб, ҳамкорликка чақирди. Қўшинларнинг муваққат ҳукумат рухсатисиз ҳар қандай ҳаракати тақиқлаб қўйилди.

Тўқнашувлар ва қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Пойтахт Бангкокда кўп миқдорда ҳарбий техника мавжудлигига қарамай, ўқ товушлари эшитилмайди. Ҳукумат биноси 14 танк билан қуршаб олинган.

Маҳаллий телевидениенинг барча кўрсатувлари тўхтатиб қўйилган. Экранда фақат болалар чизган расмларни кўриш ва миллий мадҳияни тинглаш мумкин, холос.

Бу ҳаракатларнинг бошида ким тургани ва нима мақсадни кўзлагани номаълумлигича қолаётир. Тўнтариш ташкилотчилари асосан армия ва полиция вакилларидан иборатлиги айтилмоқда. Айрим хабарларга қараганда, муваққат ҳарбий ҳукуматни қуруқликдаги қўшинлар қўмондони Сонтхи Буньяраткалин бошқараётган бўлиши мумкин.

Воқеалар Таиланд Бош вазири Таксин Чинаватнинг сафарда бўлган пайтида рўй берди. У айни пайтда Лондонда. Бош вазир телевидение орқали таиландликларга мурожаат қилиб, мамлакатда фавқулодда вазият жорий этилганини ва қуруқликдаги қўшинлар қўмондони ўз вазифасидан четлатилганини эълон қилди. Аммо кўп

РАМАЗОН

Муборак ой

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм!
Муборак Рамазон ойини мусулмонлар ажиб бир руҳ, ўзгача шукуҳ ила кутиб оладилар. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳиммат ва саховат барқарор бўлиб турган, миллий, диний қадриятларимиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда ушбу баракотли ойни қаршиламоқдамиз.

Раҳмат ва мағфират ойи бўлган Рамазони шарифда мусулмонлар улкан савоблар умидида эзгу ишларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Рамазон ойи ўз номи билан покланиш ойи. Яъни, бу ойда қалбларимизни кибру ҳаводан, ҳасаддан, бахиллик, адоват каби иллатлардан фориғ қилиш буюрилган.

Рўза — Ислом динининг беш арконидан бири бўлиб, бу борада Қуръони каримда шундай баён қилинган: «Эй, имон келтирганлар, тақволи бўлишларингиз учун сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза фарз қилинди (Бақара, 183)».

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам муборак ҳадисларида: «Агар умматларим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканини яхши билганларида эди, фақатгина шу бир ой эмас, балки йилнинг қолган ҳамма ойларида ҳам рўза бўлишини орзу қилган бўлар эдилар», деганлар.

Рамазон ойи қадимдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Ушбу муборак ой Ҳомийлар ва шифокорлар йилида алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Қурби етганлар, яъни биринчи навбатда саломатлиги имкон берадиганлар рўза тутишлари билан бир қаторда моддий имкониятлари борлар ёлғиз кимсалар, боқувчисини йўқотганлар, талабалар ва бошқа эҳтиёжмандларга ёрдам бўлиши учун закот берадилар. Биронбир сабаб билан оралари-да гина-кудурат пайдо бўлганлар бир-бирларини авф этадилар, беморларга, етим-есирларга алоҳида эътибор ва мурувват кўрсатилади.

Шу улуғ кунларда мустақиллик йилларида динимиз учун, қадриятларимиз учун, эмин-эркин ибодатлар қилишимиз учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан барча қулайликлар ва зарур шароитлар яратиб берилганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Мамлакатимизда муқаддас динимиз ривожига, жаҳон илм-фани ва маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ва бошқа ўнлаб алломаларимизга, уларнинг илмий меросларига муносиб ҳурмат кўрсатилмоқда.

Тақводор бўлишимиз учун берилган улкан имконият Рамазон рўзасини тутишга муяссар бўлган эканмиз, ана шундай ғанимат фурсатдан унумли фойдаланайлик. Ушбу фазилатли, муборак ойда, Ватанимиз тараққиёти, тинч-осойишталиги, ҳамюртларимиз фаровонлиги бардавом бўлишини Аллоҳ таолодан тилаб, дуолар қилайлик. Саховатпеша юртдошларимиз Рамазони шарифнинг серфайз дамларини ғанимат билиб, Аллоҳнинг уларга берган неъматларидан хайр-эҳсонлар, кўпроқ эзгу ишлар, хайрли амаллар қилсалар, ушбу саодатли кунларда Аллоҳ таоло уларни ярлақагай, иншоолло.

Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

РАМАЗОН ОЙИ ТАҚВИМИ

Рамазон кунлари	Сентябрь Октябрь	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифторлик вақти
1	24	Якшанба	4:28	18:23
2	25	Душанба	4:29	18:21
3	26	Сешанба	4:30	18:20
4	27	Чоршанба	4:31	18:18
5	28	Пайшанба	4:32	18:16
6	29	Жума	4:33	18:15
7	30	Шанба	4:34	18:13
8	1	Якшанба	4:35	18:11
9	2	Душанба	4:36	18:09
10	3	Сешанба	4:37	18:08
11	4	Чоршанба	4:38	18:06
12	5	Пайшанба	4:39	18:04
13	6	Жума	4:40	18:03
14	7	Шанба	4:41	18:01
15	8	Якшанба	4:42	18:00
16	9	Душанба	4:43	17:58
17	10	Сешанба	4:44	17:56
18	11	Чоршанба	4:46	17:55
19	12	Пайшанба	4:47	17:53
20	13	Жума	4:48	17:51
21	14	Шанба	4:49	17:50
22	15	Якшанба	4:50	17:48
23	16	Душанба	4:51	17:47
24	17	Сешанба	4:52	17:45
25	18	Чоршанба	4:54	17:44
26	19	Пайшанба	4:55	17:42
27	20	Жума	4:56	17:41
28	21	Шанба	4:57	17:39
29	22	Якшанба	4:58	17:38
30	23	Душанба	4:59	17:36

Рўза тутиш (оғиз ёпиш) дуоси:
Навайту ан асума совма шаҳри Рамазона минал фажри илал мағриби, холисан иллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.
Яъни: Аллоҳ учун Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқликни холисона ният қилдим. Аллоҳу акбар.

Ифторлик (оғиз очиш) дуоси:
Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка тавакалту ва аъла ризқика афтарту, фағфирли ма қоддамту ва ма аххорту бироҳматика йа арҳамар роҳимийн.
Яъни: Эй Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сен учун тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин ва ярлақагин.

Умидли ёшларимиз

2007 йилнинг январь ойида 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилиши режалаштирилмоқда. Унда вилоятимиз вакили, Чирчиқ шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Гулрухсор Эсонбоева ҳам иштирок этади. Биз умидли шахматчи билан суҳбатлашдик.

АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

— Эшитишимизча, шахматчи бўлишингиз тасодифий ҳол эмас экан.

— Тўғри айтдингиз, шахматнинг бошини тутишимга отам Рисқиддин Эсонбоев сабабчи бўлганлар. 5 ёшимдаёқ қўлимга шахмат тахтасини тутқазган ҳам, «шатранж» оламига олиб кирган ҳам шу киши бўладилар. 7 ёшимдан жиддий шуғуллана бошладим. Шу кунгача дадамнинг ўзлари менга устозлик қилиб келаяптилар.

— Ҳозирга қадар қайси мусобақаларда иштирок этишга ҳамда қандай ютуқларни қўлга киритишга улгурдингиз?

— Биринчи маротаба 8 ёшимда Ўзбекистон чемпионатида қатнашишга муваффақ бўлганман. Ушанда менга 10-ўрин насиб этган эди. Бу натижадан уйга ҳаддан ташқари қувониб қайтганимни эсласам, ҳозир ҳам кулгим келади. Балки бу қувончим ўша вақтларда энг сара спортчилар қаторида ўзимни кўрганимдан бўлса кераг-ов. 2000 йилги чемпионатда 5-ўринни, 2001-2003 йиллардагисида 4-, 5-ўринларни қўлга киритдим. Ва ниҳоят, 2004 йили 14 ёшгача бўлганлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони унвонига эришдим.

2002 йили эса Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этдим. Мусобақаларда Америка Қўшма Штатлари, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия ҳамда Ўзбекистон жамоалари иштирок этганди. Ўтган йили 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги худди шундай турнирнинг финал босқичида қозоғистонлик шахматчи билан баҳс юритдим. Иккимизнинг ҳам йиққан балларимиз ҳамда кўрсатган коэффициентларимиз бир хил бўлганлиги боис 1- ҳамда 2-ўринларни бўлишиб олдик.

Айниқса, ўтган йили 15 июнь — 1 июль кунлари Франциянинг Бельфорт шаҳрида 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионати ҳаётимда ўчмас из қолдирди. 128 шахматчи орасида 30-ўринни қўлга киритдим. Ушандаги асосий рақибларим россиялик Елена Тоирова, украиналик Муричук ҳамда АҚШ терма жамоаси вакили Алиса Меликхина билан бўлган учрашувимни ҳеч қачон унутмайман.

2005 йили мен учун яна бир муҳим мусобақа бу Осиё чемпионати бўлди. У май ойида Наманган шаҳрида ташкил этилди. Унда мен 6-ўринни эгалладим. Бу йил 17 май-5 июн кунлари Италиянинг Турин шаҳрида аёллар ва эркаклар ўртасида Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси 39-ўрин билан кифояланди. Ушбу ўйинлар таркибидан жой олган «OPEN» турнирида ҳам қатнашиб, шахсий учрашувларда 6-ўринни қўлга киритдим.

— Янада яхшироқ ютуқларга эришишда яратилган шарт-шароитнинг ўрни бўлакча бўлса керак?

— Ҳақ гап. Ҳозир шаҳарнинг 3-даҳасидаги чойхонадан шахмат клуби учун хона ажратиб берилган. Мен ўша ерда шуғулланаман. Аммо, биз учун барча шароитлар муҳайё этилган, десам хато бўлар. Энг катта муаммо компьютернинг йўқлиги. Агар шу масала ҳал этилса, янада яхшироқ тактик ва техник тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлардик. Чунки компьютерда махсус дастурлар бўлиб, кўп нарсаларни ўзлаштириш мумкин. Бундан ташқари, маҳоратли ва кучли мураббийлар етишмайди. Ўзбек шахматини эса, буларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуррият МЎМИНОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: *Гулрухсор Эсонбоева кўп карра жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан.*

Шундан кейин

САЛҚИН УЧУН УЧ МИЛЛИАРД

Virgin компаниясининг соҳиби миллиардер Ричард Брэнсон глобал исишга қарши кураш кампаниясини ўтказиш учун уч миллиард доллар маблағ ажратиш ниятида эканлигини билдирди.

Экологик дастурлар учун пулларни Бренсон ўз холдингининг транспорт бўлинмаси фойдасидан ажратиши назарда тутилмоқда.

«МАКДОНАЛДС» САВОДСИЗЛИККА ҚАРШИ

«Макдоналдс» компаниясининг Британия бўлими ўз ходимларига тўғри ёзиш ва арифметика асосларидан сабоқ бериш учун текин курслар очди.

Компания ёш ходимларнинг таҳсили учун 500 минг фунт-стерлинг пул сарфлаш ниятида. Чунки, уларнинг аксарияти мактабни тугатган йигит-қизлар бўлишига қарамай, имлони ва ҳисоблашни билмайди.

ФОЖИАНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

АҚШда бир ўқувчи туфайли, 1999 йилда Колумбайн мактабида юз берган машъум оммавий қотилликка ўхшаш фожианинг олди олинди.

17 ёшли Мэтт Аткинсон 14 сентябрь куни бир гуруҳ ўқувчилар мактабга ҳужум қилишни режалаштираётганлари ҳақида полициядга хабар қилди. Полиция фитначиларни қўлга олди ва уларга тегишли қурол-яроғ омборини фош этди.

КОНТРАБАС БИЛАН ПАРВОЗГА

Буюк-Британия транспорт вазирлиги 22 сентябрдан бошлаб самолётлар бортига қўл юки олиб чиқилиши бўйича хавфсизлик чораларини бир оз юмшатилганини маълум қилди.

Энди йўловчилар аввал чекланганидан кўра каттароқ жомадон ва сумкаларни кўтариб чиқишлари мумкин. Улар, шунингдек салонга йирик ҳажмли мусиқа асбобларини олиб кириш ҳуқуқига ҳам эга бўлишди.

РЎЙХАТДА МИЛЛИОНЕРЛАР ЙЎҚ

Forbes журнали бадавлат америкаликларнинг ҳар йилги анъанавий рўйхатини эълон қилди.

25-марта эълон қилинаётган ушбу маълумотномадан 400 та энг пулдор кимсанинг исмлари ўрин олган. Бу йилги рўйхатда тарихда илк бор рейтинг иштирокчилари орасида бирор миллионерни учратмайсиз.

Зеро, энг охирги қатордаги қатнашчининг пули ҳам 1 миллиарддан ошади. Рўйхат бошида эса, ҳамон Билл Гейтс турибди.

Танлов

РАСМЛАРДА ВАТАН СУВРАТИ

Баҳор... Ҳовли ўртасида қозон қайнайди. Атрофида аёллар, қизлар, болалар. Ўйин-кулги авжида. Қозондаги сумалакдан енгил ҳовур кўтарилади... 16 ёшли Руслан Иванов халқимизнинг севимли байрами – Наврўзни ана шундай рангин буёқларда ифодалаган.

Мамлакатимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида истиқлолимизнинг 15 йиллигига бағишлаб "Расмларда ватан суврати" мавзуида ўтказилган танлов якунланди. Уни Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Ўзбекистон музейлар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида истеъдодли ёшларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловда беш юзга яқин бола иштирок этди.

Танловнинг пойтахтимизда якунига етган республика босқичида ғолиблар аниқланди. Самарқанд вилоятидаги 6-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Парвез Жўраев биринчи ўринни эгаллади. Қашқадарё вилоятидаги 3-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Руслан Иванов – иккинчи, Жиззах вилояти 29-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Озод Орзубоев учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ТОВУҚ ШЎРВА МОЖАРОСИ

(Ҳажвия)

Боқивой соғлиғи панд бериб, бинойидек ишлаб турган ишидан бўшаб келди. Оиласи катта. Уч ўғил, уч қизи бор. Хотини Ойпопук уй юмушлари билан ўралашиб қолган. Боқивой «Бекорчидан худо безор» деганларидек, оила тебратиш учун уйида бузоқ боқа бошлади. Аввалига мол боқиш унинг учун осондек туюлганди. Бу ишнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор экан. Мана бир неча кундирки ўт ташиб, билди. Икки сигир, икки бузоқ кунора беш-олти қоп ўтни кўрдим демайди. Девордош қўшни Соқивой уйида мол боқишни хушламасди. Тўғри-да, мол боқиб унга зарил келибдими? Ахир у «бизнесмен» бўлса. Кунига хотини Гулбадан билан бозорга бориб, ул-бул олиб-сотиб жарақ-жарақ пул топишарди. Ҳартугул қора қозонлари бошқаларникидан яхшироқ қайнарди. Улар куни билан бозорда бўлиб, уйга тунда кириб келишарди. Ҳовлисига рўзғор учун ул-бул экиб қўйишган. Аммо уларни чопишга, ўтдан тозалашга вақт қани? Ҳовлини тизза баробар ўт босиб кетган. Томорқа чеккасида мўъжазгина товуқхонаси бўлиб, унда бир нечта товуқ боқишарди. Тонгда товуқларни катакчасидан чиқариб, бозордан қайтишгач, қамашарди.

Ана шундай кунларнинг бирида Соқивой қўшниси Боқивойни ўт излаб кетаётганда учратиб қолди.

— Қўшни, узоқдан ўт излаб нима қиласиз. Яхшиси бизникига чиқинг, бир дунё ўт бор. Бир неча кун молларингизни боқишга етади.

— Жуда яхши бўларди-да. Узоққа бориб овора бўлмасдим. Қопим ўтга тўлса, шундоққина девордан ирғитиб қўя қоламан. Баҳонада сизнинг ҳовлингиз ўтдан тоза бўлади, молларимнинг қорни тўяди.

У хотини Ойпопукни чақирди:

— Хотин, бугун иш беш. Соқивой аканинг ҳовлисини «аренда»га олдим. Энди бир неча кун молларимизга байрам бўлади. Яна юмшоққина зарпечаклигини айтмайсанми. Сен дўкондан товуқ гўшти олиб келиб, бир мазали қилиб шўрва солиб қўйсанг. Бугун биз ҳам товуқ шўрва ичиб, байрам қилсак. Хўш, маъқулми, хотин?

— Эй, бор бўлинг, дадаси. Ўзимнинг ҳам жуда товуқ шўрва ичгим келиб турганди, ичимдагини топдингизда. Мен бир зумда дўконга чиқиб, «заказ»ингизни «есть» қиламан.

Қуёш ётоғи томон чўкиб, оқшом туша бошлагач, Соқивой ака хотини билан бозордан қайтишди. Ҳовлисининг бир қисми чиннидек тоза бўлиб қолганлигини кўришиб, ич-ичидан хурсанд бўлишди. Гулбадан бир товоқ дон олиб товуқларини катагига қамаш учун «ту-ту»лаб чақира бошлади.

— Бир, икки, уч...

Гулбадан катакка кираётган товуқларни бирма-бир санади. Негадир битта товуқ кам чиқди.

— Балким адашгандирман, — дея у яна қайта санашга тушди, барибир битта товуқ кам чиқаверди. Хотининнинг безовталана бошлаганини кўрган Соқивой дум-думалоқ қорнини силаганча келиб, катакдаги товуқларни ўзи қайта санаб чиқди. Битта товуқ бирибир кам. Сал нарида ҳеч нарсадан хабарсиз ўт ўраётган Боқивойга олазарак қаради.

— Боқивой, сен куни билан шу ерда ўт ўрдинг. Бизнинг товуққа кўзинг тушмадими? Негадир битта товуқ кам чиқаяпти.

— Йўқолган товуқнинг ранги қора эмасмиди? — сўради Боқивой мўйловини оҳиста силаркан.

— Ҳа, ҳа, қора эди.

— Боягина бир қора товуқ курк бўлганга ўхшаб юрганди. Балки бирор жойда яширинча тухум босаётгандир. Яна билмадим...

— Боқивой шундай деди-ю, ўрилган ўтни қопга жойлаштира бошлади.

Гулбадан секингина эрини туртиб, шивирлади:

— Дадаси, секин бориб, қопини текшириб кўринг. Биргина гумоним шу кишидан. Ҳаммаёқ девор билан ўралган бўлса, анави ўғлининг қўли эгрилигини эшитганим бор. Темирни қизиғида босинг. Кейин кеч бўлади. Бозорда битта товуқ палон сўм туради-я! Имилламай бўлинг тезроқ. Қопини текшириб, бир шармандасини чиқаринг.

— Боқивой қўшни, энди хафа бўлмайсан. Қопингнинг оғзини очиб кўрмасам бўлмайди. Тағин ўтга қўшиб товуқни ҳам гумдон қилган бўлмагин, — у шундай деди-да, қоп оғзини очиб титкилай бошлади.

— Ия, Соқивой ака, нима, сиз бизни ўғри деяпсизми? Ахир сиз билан кўп йиллик қўшни бўлсак. Келиб-келиб мендан гумонсирайсизми? Умрим бино бўлиб бундай ифлос ишга қўл урмаганман.

Боқивойнинг тутуни чиқиб, қошлари чимирилиб кетди.

— Дадаси, яхшилаб текширинг. Ахир одамнинг оласи ичида бўлади. Ўзини мусичадек беозор кўрсатгани билан ичидан пишган бу одам. Қаранг, кўзлари олайиб, типирчилаб қолди, — Гулбадан ёнаётган оловга баттар керосин сепди.

— Янга, бу нима деганингиз. Бир умрлик қўшнимиз-а? Туҳмат ёмон бўлади. Келиб-келиб сизнинг товуғингизни ўғирлаймизми? Бировни ўғри қилишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўрсангиз бўларди, — Боқивой тутоқиб кетди.

— Ҳей, Боқивой ука, сал ўпкангизни босиб олинг. Қайси ўғри ўз айбини тан олади. Гумоним фақат сизлардан. Яхшиликча бўйнингизга олиб, қора товуғимни қайтарасиз, ё шармандангизни чиқариб, милицияга топширaман, — деб ўдағайлади Гулбадан.

Бу можародан хабарсиз бўлган Ойпопук девордан бош чиқариб:

— Ҳой дадаси, қани чиқинг, товуқ шўрва пишди. Қолган ўтни эртага ўрасиз, — деса бўладими.

Бўлди қиёмат, бўлди қиёмат. Бу гапдан Гулбаданнинг баттар жағи очилди.

— Ана сизга исбот, мана сизга товуқ шўрва. Сизга гумоним шулардан деб айтгандим-а. Товуқни аллақачон тинчитиб, қозонга ҳам босиб улгуришибди...

Соқивой ўша куни Боқивойни судраб қишлоқ нозири олдига олиб борди.

— Хўш, Соқивой, тинчликми? Намунча бир девор қўшни бўла туриб, бир-бирингизнинг ёқангизни йиртиб юрибсиз, — деди Суннат нозир.

— Эй, нимасини айтасиз, Суннатвой. Манаву кўрнамак, кунора тухум қўядиган зотдор товуғимни гумдон қилиб, ҳеч бўйнига олмаяпти. Бу аблаҳнинг уйига чиқсам, аллақачон товуқни тинчитиб, қозонга босиб қўйибди. Бу ўғрини қилмишига яраша жазоласангиз, дея ёқасидан судраб келдим.

— Ўлай, агар Суннат ака, у тухмат қилаяпти. Товуқ гўштини келинингиз дўкондан олиб келиб, қозонга солганди. Бунинг ҳамма гаплари ёлғон. Товуқни биз ўғирламаганмиз, — Суннат нозирга илтижоли ёлворди Боқивой.

— Суннатвой ука, унинг сохта кўз ёшларига ишонманг. Ўғри жазосини олиши керак. Майли, товуқ ўрнига товуқ олиб бермаса ҳам кунда қўядиган тухумини ҳисоблаб, уни жаримага тортсангиз. Бизга товуқдан ҳам тухуми заруррок, — дея Соқивой ўрнидан туриб, Боқивойнинг ёқасига ёпишди.

— Жим бўлинглар деяпман. Бундоқ одамга ўхшаб келишсангизлар бўлади-ку!, Эртага яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам қўшни ярайди. Шундай экан, бу масалани тинч йўл билан ҳал қилайлик. Боқивой сизга бир йил давомида кунига биттадан тухум бериб туради. Хоҳласа, бир ҳафталик ёки ўн кунлигини йиғиб, олиб чиқсин. Хуллас, битта товуқ ўрнига уч юз олтмиш дона тухум беради. Гап тамом, вассалом! Шикоятга ўрин йўқ! — Суннат нозир қўшниларни шу йўл билан муросага келтирди.

Шу воқеадан роппа-роса уч ҳафталар чамаси ўтди. Соқивой хотини Гулбадан билан бозордан келиб, ҳовлидаги манзарани кўриб, ҳайкалдек қотиб қолишди. Боқивойнинг тухум тўла косаси қўлидан тушиб кетиб, чил-чил синди. Ҳаммаларининг нигоҳи битта нуқтага қадалган. Ҳеч нарсадан хабарсиз ҳовли чеккасидаги сомон ғарами остидан қора товуқ бир гала жўжаларини эргаштириб чиқиб келарди...

Латифжон МАНСУРОВ.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 23 сентябрь куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. 8-13, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-11, кундузи 14-19 даража иссиқ бўлади.

Рассом ҳандаси



— Айб сендами, айб мендами, энди ёр...

—Тавба, булар тухумдан чиқмай сигарет тутатади-я...

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расмлар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 3618. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5